

КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Бердиев.Ж.Қ

Қариши муҳандислик-иқтисодиёт институти Катта ўқитувчиси.

Мақолада салоҳият, корхона иқтисодий салоҳияти тушунчалари, уларни баҳолаш бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ёндашувлари, таърифлари, қарашлари, концепциялари ёритиб берилган.

В статье описаны понятия потенциала, экономического потенциала предприятия, научные подходы, определения, взгляды, концепции зарубежных и отечественных ученых на их оценку.

The article describes the concepts of potential, economic potential of the enterprise, scientific approaches, definitions, views, concepts of foreign and domestic scientists on their evaluation.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида корхоналар муҳим аҳамият касб этади. Зеро, корхона иқтисодиёти - барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, экспортдан олинаётган даромадларни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантириш, шунингдек, ижтимоий танглик, яъни аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш ва пировардида, аҳолини яшаш тарзини юксалтиришга асос бўлмоқда.

Бугунги кунда корхона иқтисодиёти нафақат юқори суръатларда ривожланаётганлиги билан, шунингдек, экспортни барқарор ошириб бораётган, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилаётган ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация ва тубдан техник ҳамда технологик жиҳатдан янгилаб бораётганлиги билан ҳам ажралиб туради.

Маълумки, корхоналар иқтисодий салоҳияти тушунчаси, таркибий қисмлари, уни баҳолаш кўрсаткичлари бўйича хорижий давлатларда кўплаб статистик тадқиқотлар амалга оширилган. Аммо маҳаллий даражаларда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларининг ўзига хос ривожланиш хусусиятларини тўлиқ қамраб олган ва унга асосан тармоқ корхоналари иқтисодий салоҳияти тушунчаси, уни баҳолаш кўрсаткичлари ва иқтисодий салоҳиятни ошириш механизмлари бўйича илмий тадқиқотлар кенг доирада амалга оширилмаган.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фикримизча корхона ташкилий-иқтисодий моҳияти, таркиби, ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, корхоналар учун иқтисодий салоҳият тушунчаси, таркиби ва уни баҳолаш бўйича кўрсаткичларни илмий жиҳатдан шакллантириш ва иқтисодий моҳиятини назарий жиҳатдан очиқ бериш мақсадга мувофиқ саналади.

Ушбу жиҳатларни очиб бериш учун авваламбор, "салоҳият", "иқтисодий салоҳият" тушунчалари бўйича иқтисодчи олимлар талқинларини таҳлил қилиб чиқиш лозим. "Салоҳият" тушунчаси лотинчадан "potential" келиб чиққан бўлиб, у куч, яширин имконият маъносини билдиради. Умумий иқтисодиёт нуқтаи назаридан, В.М.Архипов шундай таъриф беради: "салоҳият" - белгиланган мақсадлар ёки қўйилган вазифаларни ечиш учун жалб этилиши мумкин бўлган мавжуд воситалар, захиралар ва манбалар"дир [1]. Олим томонидан берилган талқин "салоҳият" тўғрисида умумий тушунча шаклланишига асос бўлсада, "салоҳият"ни шакллантирувчи омилларнинг таъсири иқтисодий жиҳатдан асосланмаган.

Корхоналар даражасида "салоҳият" тушунчасига Г.Б.Клейнер., В.И. Тамбовцев ва Р.М.Качаловлар томонидан қуйидагича талқин берилган [2], яъни уларнинг фикрича, муайян бир корхона салоҳияти ташқи ижтимоийиқтисодий муҳитдаги ресурслари, ҳолати ва ҳаракатини тавсифловчи таркибий қисмлардан ташкил топади. Фикримизча, ушбу талқин корхоналар иқтисодий салоҳияти моҳиятини илмий ва назарий жиҳатдан асослай олади.

Шу ўринда Н.К.Темнова томонидан "салоҳият" тушунчасига берилган таъриф эътиборга лойиқ, яъни унинг фикрича: "салоҳият" - бу ресурсларгина эмас, балки қандайдир мақсадли йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш ва натижа олиш учун имкониятдир. Шунингдек, у "салоҳият"га энергетик ёндашув қўлланиш лозимлигини таъкидлайди [3]. Б.Райан корхона салоҳияти бўйича қуйидаги умумий кўринишда, яъни "корхона салоҳияти мақсадли йўналтирилган ишни бажариш бўйича ҳақиқий ва эҳтимолий қобилиятни билдиради", [4] деб таърифлайди. Шу ўринда корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти нуқтаи назаридан, И.Н.Богатая томонидан корхона салоҳияти таърифига бухгалтерия жиҳатдан талқин берилган. Унинг фикрича, "корхона салоҳияти - молиявий-хўжалик фаолият яқунида активлар, унинг шаклланиш манбалари ва уларнинг қобилияти маълум молиявий натижаларга олиб келади" [5]. И.Н.Богатая томонидан берилган талқин бугунги бозор муносабатлари шароитида долзарб бўлиб, бугунги кунда корхоналарнинг молиявий натижаларни бошқариш устувор масала бўлиб қолмоқда.

Кўп ҳолларда "салоҳият", "заҳира" тушунчаси билан тенглаштирилади. Жумладан, иқтисодчи олимлар С.Б.Барнгольц [6] ва Г.В. Савицкая қуйидаги таърифни беришган: корхона салоҳияти - бу маълум шароитда қўшимча талабни қондириш учун доимий яратиладиган моддий ресурслар, бошқа томондан эса, бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг фойдаланилмаган имкониятларидир [7].

Фикримизча, ушбу берилган талқин саноат корхоналари молиявийхўжалик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти тушунчасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Юқоридаги талқинлардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, "салоҳият" деганда, мавжуд шарт-шароитнинг ўзгариши билан корхонанинг яширин имкониятларини ҳақиқий ҳолатда юзага чиқиши мумкин бўлган хўжалик юритиш субъектлари фаолияти воситалари, имкониятлари, қобилияти, хусусан, амалга ошмаган захиралар мажмуини тушуниш тўғри бўлади.

"Салоҳият" тушунчасига бўлган кенг маъноли талқинлар ҳам қандай воситалар, захиралар ва манбаларнинг кучи тўғрисида фикр юритилаётганлигидан келиб чиққан ҳолда, уни илм-фан ва хўжалик юритишнинг турли соҳаларига қўллаш учун имкон беради.

"Салоҳият" моҳиятига бундай таъриф берилиши ташкилот ва корхоналарнинг иқтисодий фаолиятининг турли йўналишларига кенгроқ қўллаш имконини беради ва уни "иқтисодий салоҳият", деб номлаш мумкин.

"Иқтисодий салоҳият" тушунчасини иқтисодий категория тоифа сифатида ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида шуни айтиш мумкинки, у нафақат назарий аҳамиятга, балки амалий хусусиятга ҳам эга. Шу ўринда "иқтисодий салоҳият" моҳияти ва таркибини батафсил кўриб чиқамиз.

Иқтисодчи-олим М.И.Бухалков фикрича, "ҳар қандай корхонанинг иқтисодий салоҳияти режалаштирилган ишлар, хизматларни ишлаб чиқариш учун ташкилот ихтиёрида бўлган ресурслар таркиби: меҳнат, моддий, молиявий ва бошқаларни ўзида акс эттиради[8]". Фикримизча, М.И.Бухалков томонидан берилган тушунча қизиқарли бўлсада, у тор маънода талқин этилган.

В.С.Спирин ёндашувига қараганда, "иқтисодий салоҳият мавжуд ва фойдаланилмаган захираларни ўзида жамлаган ресурслар мажмуи орқали аниқланади[9]".

Б.А.Райзберг фикрича, "иқтисодий салоҳият максимал даражада фойда олиш учун корхонанинг жами мавжуд чекланган ресурсларидан самарали фойдаланишни изоҳлайди ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий тизим салоҳиятининг асосий таркибий қисми ҳисобланади [10]".

И.С.Сосненко "Иқтисодий салоҳият"ни объект сифатида тадқиқ этишни иккита йўналишга ажратади [11]. Бир томондан иқтисодий салоҳиятга хўжалик юритиш субъектларининг умумий ресурслари, иккинчи томондан жамият талабини қондириш учун мавжуд ресурсларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш қобилияти сифатида қаралади.

Маҳаллий олимлар асарларида ҳам иқтисодий салоҳиятга шундай талқин берилдики, "иқтисодий салоҳият бу муайян соҳада мақсадларга эришиш, белгиланган вазифаларни ечиш учун ташкилот томонидан фойдаланиш мумкин бўлган манбалар, имкониятлар, воситалар ва захиралардир" [12].

Ўзбек олимлари томонидан ҳам "иқтисодий салоҳият" тушунчасига қуйидагича тариф берилган, яъни "корхонанинг иқтисодий салоҳияти деганда, унда содир этилган

иқтисодий жараёни тўлик таъминлайдиган барча моддий ва меҳнат ресурслари ҳамда номоддий активлар тушунилади" [13].

Юқорида иқтисодий салоҳият таърифига берилган талқинлардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий салоҳият бу мавжуд ресурслар мажмуи ва иқтисодий салоҳият, бу ишлаб чиқариш кучларининг муайян натижаларга эришиш қобилияти каби, иккита йўналишга ажратиш мумкин.

Биринчи ҳолатда "иқтисодий салоҳият" тушунчасига фақат ресурслар нуқтаи назаридан ёндашилмоқда. Бу эса иқтисодий салоҳиятнинг кенг қамровли иқтисодий моҳиятини тўлиқ очиш имконини бермайди. Иккинчи ҳолатда эса, фақат иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш натижаларига асосий эътибор қаратилган.

Ҳар қандай хўжалик юритиш субъектларининг назарияси ва амалиётида мақсадли йўналиш мажбурийдир, аммо уни белгиланган мақсадларга эришиш манбалари ва воситалари ҳисобланган иқтисодий ўсиш ва ривожланиш, самарадорлик ва рақобатбардошликни ошириш, заҳиралар имкониятларисиз амалга ошириш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, саноат корхоналари иқтисодий салоҳияти тушунчасига юқорида келтирилган йўналишларни уйғунлаштирган ҳолда, учинчи алоҳида ёндашувни бериш мумкин. Ушбу ёндашувда саноат корхоналарининг мавжуд ресурслари максимал даражада фойдаланиш ва белгиланган самарадорликка эришиш қобилиятини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Айрим илмий иқтисодий тадқиқотларда корхонанинг иқтисодий салоҳиятининг бундай ёндашувига яқин талқинлар ҳам учраб туради. Хусусан, профессор В.В.Ковалев корхонанинг иқтисодий салоҳияти деганда, мавжуд моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларида фойдаланган ҳолда корхонанинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш қобилиятини тушунган [14].

Р.В.Марушков ўзининг илмий ишида иқтисодий салоҳиятни мавжуд ресурслар тизимидан фойдаланган ҳолда, корхонанинг узоқ муддатли фаолият юритиши ва стратегик мақсадларга эришиш қобилияти сифатида талқин этади [15]. Саноат корхоналари иқтисодий салоҳияти бўйича тайёрланган илмий ишда қуйидаги ёндашув берилган: "корхона иқтисодий салоҳияти ўзида меҳнат активлари, асосий ишлаб чиқариш жамғармалари, айланма маблағлар, номоддий активлар ва ер ресурслари ўртасидаги ўзаро муносабатлар натижасида шаклландиган "қобилият"ни акс эттиради.

Е.В.Жоглина фикрича, "иқтисодий салоҳият - бу табиий, моддий, молиявий, меҳнат ва интеллектуал ресурсларга асосланган иқтисодий-ишлаб чиқариш фаолиятини (маҳсулот, хизматлар ишлаб чиқариш, аҳоли талабларини қондириш, ишлаб чиқариш ва истеъмолни ривожланишини таъминлаш) амалга оширишнинг аниқ тизимларини ўзида акс эттирган умумий қобилиятни англатади [16]".

Корхонанинг иқтисодий салоҳиятига О.А.Жигунова томонидан берилган ёндашув [17] эътиборга лойиқ. Унда корхонанинг иқтисодий салоҳияти тушунчасини

аниқлашда биринчи даражага корхонанинг барқарор фаолияти юритиши, унинг ноқулай ҳолатларга бардош бериш қобилияти, шунингдек, корхонанинг ривожланиш вазифаларини қўяди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, у томонидан қуйидаги таъриф берилади: "корхонанинг иқтисодий салоҳияти - бу мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда ташқи ва ички муҳитнинг ўзаро муносабати, барқарор ўсишни таъминлаш ва стратегик мақсадларга эришиш билан ифодаланадиган умумий қобилият ва мавжуд имкониятларга эга бўлиш хусусиятидир".

Иқтисодчи олим В.Н.Щепетова томонидан тижорат корхоналари иқтисодий салоҳияти нуқтаи назаридан қуйидагича ёндашув келтирилади: "иқтисодий салоҳият - бу ташқи ва ички муҳит омилларининг ўзаро муносабати шароитида жами мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш асосида корхонанинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш қобилиятидир [14]".

Юқорида келтирилган "салоҳият", "иқтисодий салоҳият", "корхоналар иқтисодий салоҳияти" тушунчалари бўйича иқтисодчи олимлар томонидан берилган назарий қарашлар ва илмий ғоялар таҳлилларидан шундай хулосага келиш мумкин:

ҳозирга вақтгача "корхоналар иқтисодий салоҳияти" бўйича илмий ва иқтисодий асосланган яхлит тушунча берилмаган;

"корхоналар иқтисодий салоҳияти" бўйича тушунча ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши лозим.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган "салоҳият", "иқтисодий салоҳият", "корхона иқтисодий салоҳияти" тушунчалари бўйича берилган назарий қарашлар ва илмий ғоялар ҳамда саноат тармоғининг ўзига хос ривожланиши ва фаолият юритишини инобатга олган ҳолда саноат корхоналари иқтисодий салоҳияти юзасидан қуйидаги таърифни бериш мумкин.

Саноат корхонаси иқтисодий салоҳияти - бу мавжуд ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланган ҳолда узоқ муддатли барқарор ривожланишни таъминлаш ҳамда ташқи муҳит билан ўзаро муносабатлар жараёнида бозордаги саноат маҳсулотларига бўлган талабни шакллантириш, аниқлаш ва қондириш қобилиятидир. Халқаро амалиётда турли мулкчиликка асосланган корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини тизимли ёндашув асосида шакллантириш, статистик баҳолаш, таҳлил қилиш ва прогнозлаш бўйича услубий қоидалар ишлаб чиқилган бўлиб, у турли илмий мактаблар ва йўналишларнинг ўзаро боғлиқлигини ва олинган натижаларининг ишончлилигини таъминлайди.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам турли мулкчиликдаги корхоналарнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш каби устувор вазифалар белгилаб берилган[18]. Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини статистик ўрганиш бўйича мавжуд ёндашувларнинг таҳлили улар орасида энг объектив тизимли ёндашув ҳисобланади.

Уни амалга оширишда махсус тизимлар, усуллар мажмуаси, тизимларни таҳлил қилиш ва ушбу тизимларни таҳлил қилиш орқали объектларни тадқиқ қилиш каби тизимли таҳлиллар мавжуд [19].

Ўрганилаётган концепциянинг кўп қиррали ва кўп ўлчовли хусусияти билан боғлиқ бўлган моҳияти ва унинг таркибий қисмларининг очиб берилмаганлиги, ушбу категорияни талқин қилишда сезиларли фарқларнинг мавжудлиги ҳамда атамашунослик базасининг етарли даражада ҳалигача ривожланмаганлиги корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ўрганиш концептуал асосларини аниқлаштиришни талаб қилади .

Таҳлилларимизга кўра, иқтисодий салоҳиятни ўрганиш учун иккита муҳим йўналиш мавжуд: ресурсли ва натижавий. Аммо айнан ёндашувлардан фақат бири асосида иш олиб борилиши мураккаб жараён, чунки таърифларнинг катта қисми манба ва натижа йўналишларининг хусусиятларида намоён бўлади. Иккинчисининг хусусиятларини умумлаштирадиган бўлсак, муқобил равишда “салоҳият” тушунчасини аниқлашга “аралаш ёндашув”ни келтиришимиз мумкин. Корхонанинг ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш асосида аниқ натижаларга эришиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, “Корхонанинг иқтисодий салоҳияти” деб номланган категория мураккаб ва хилма-хил ҳодиса сифатида намоён бўлади, унинг моҳияти тасодифий элементлар тўпламидан иборат эмас. Фикримизча, иқтисодий салоҳиятни белгилаётиб, унинг қуйидаги асосий тушунчаларини ҳисобга олиш ва уни боғлаш керак:қобилияти - бир нарсанинг муваффақиятли амалга оширилиши учун субъектив шароитлар бўлган индивидуал хусусиятлар; имконияти - бу нимани амалга ошириш учун зарур бўлган восита; корхонада мавжуд бўлган маҳсулотларни, хизматларни, ишларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурслар (меҳнат, моддий, табиий, молиявий, ахборот) тизими;ички ва ташқи муҳитнинг ўзаро таъсири; натижалар.

Юқоридагиларнинг барчасини ҳисобга олиб, қуйидаги таърифни таклиф қиламиз: "Корхонанинг иқтисодий салоҳияти ташқи ва ички муҳитнинг ўзаро боғлиқлиги, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш орқали стратегик мақсадларга эришиш учун умумий ва ҳақиқий имкониятларнинг мавжудлиги (муайян шароитларни яратиш ёки келиб чиқиши натижасида) билан тавсифланади”.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Архипов В.М.Проектирование производственного потенциала объединений (теоретические аспекты) - JL: Изд. ЛГУ, 2009. - С.75-89.

2. Цыбульская Э.И., Сотник А.В.,Теоретические основы экономического потенциала предприятий
/Под.ред.http://archive.nbuv.gov.ua/portal/soc_gum/bi/2009_3/58-61.pdf

3. Спирин В.С. Основные черты современных структурных изменений производственного потенциала предприятия // Консультант директора. - 2004-№15.- 88с.

4. Виноградова В.В., Ионмаренко Т.В. Оценка экономического потенциала компании // Социально-экономические проблемы развития России и проблемы глобализации: потенциал возможного. - СПб.: Изд-во Политех, ун-та, 2007. - С. 17-20

5. Богатая И.Н. Стратегический учет собственности предприятия. - Ростовн/Д.: «Феникс», 2001. - 320 с.

6. Барнгольц С.Б. Экономический анализ хозяйственной деятельности на современном этапе развития. - М.: Финансы и статистика, 1984. - 214 с.

7. Савицкая Г.В. Теория анализа хозяйственной деятельности: Учеб. пособие. - М.: ИНФРА-М, 2005. - 288 с.

8. Berdiev , J. . (2023). EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP. Евразийский журнал академических исследований, 3(2 Part 3), 87–92. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/10395>

9. Berdiyev , J. (2022). MINTAQADA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH IMKONIYATLARI. Евразийский журнал академических исследований, 2(11), 832–835. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/5193>